

**Кичик корхоналарга катта сармоялар йўналтириб**

(3-бетда ўқинг).

**Аудит натижалари:** «Ипотека-банк» АТИБ, «Алоқабанк» АТБ, «Агробанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ипак йўли банки» АИТБ, «Туркистон банк» ХАТБ, ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ........5-15

**Туризм соҳасининг кенг истиқболи йўлида**.............13


# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда № 18-19 (989-990), 2015 йил 30 апрель www.banknews.uz


## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**2015 йил 24 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини муҳокама қилишга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йил 16 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисда иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини янада ошириш, энг аввало, таркибий қайта ўзгартиришларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни фаол диверсификациялаш ва маҳаллийлаштириш, ривожланган инфратузилмани шакллантириш ҳисобига ошириш, шунингдек, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш, аҳолининг иш билан бандлиги даражасини, унинг ҳаёти сифати ва даражасини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган ва бутун дунёда ислоҳотларнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг эволюцион ва босқичма-босқич стратегияси изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилиши туфайли, бугунги кунда жаҳон миқёсида давом этаётган инқирозли ҳолатларга ва қарама-қаршилик кучайиб боришига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – 7,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми – 6,3 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ортиқ бўлмади.

*(Давоми 2-бетда).*

## Банкларнинг халқаро рейтинг баҳоларини олишига оид тамойиллар таҳлили

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Moody's Investors service» халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда тижорат банкларининг халқаро рейтинг баҳоларини олиш масалаларига бағишланган навбатдаги бешинчи халқаро йиллик конференция ўтказилди.**

Мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўна-



лишлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда тижорат банкларининг 300 дан зиёд раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этди.

*(Давоми 7-бетда).*

## Банклар — барқарор иқтисодий ўсиш драйвери

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида банк тизимининг 2015 йилнинг I чорагидаги фаолияти якунлари ва мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари ижроси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 апрелдаги йиғилишида банк тизими олдига қўйилган долзарб вазифаларнинг муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган Бошқарув мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Қайд этилдики, ҳисобот даврида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати 2015 йил учун мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишига, Давлатимиз раҳбарининг банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишга қаратилган фармон ва қарорларида белгиланган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилди.

2015 йилнинг I чорагида мамлакатимиз банк тизимининг капиталлашув даражаси ва унинг ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, барқарорлигини кучайтириш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида банк тизимида эришилган кўрсаткичлар нафақат халқаро умумқабул қилинган меъёрларга, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди.

Хусусан, бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 23,7 фоизни ташкил этиб, у халқаро банк назорати бўйича Базель қўми-




таси томонидан 8 фоиз қилиб белгиланган талабга нисбатан қарийб 3 баробар зиёддир. 2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, банкларнинг умумий капитали 6,9 трлн. сўмдан ошиб кетди **(1-диаграмма).**

Банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси бир неча йилдан буён 64 фоиздан юқори бўлиб, бу кўрсаткич ҳам жаҳон амалиётида умумқабул қилинган минимал кўрсаткичдан 2 баробар ортиқдир.

*(Давоми 4-бетда).*

DOLZARB MAVZU

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ички талабни мувозанатли рағбатлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 11,2 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми – 15,2 фоизга ва хизматлар ҳажми – 13,1 фоизга кўпайишига кўмаклашди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш натижасида жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 141 мингтадан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди, улардан 88 мингтадан ортиғи ёки 62,6 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида кексаларга зарур эътибор бериш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш бўйича тадбирларни фаол амалга ошириш бошланди. Ушбу тадбирларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан қарийб 593 миллиард сўм йўналтирилди.

Мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида таркибий қайта ўзгартиришларга, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диферсификациялашга, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга йўналтирилган энг муҳим дастурлар ва инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини батафсил таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати ҳамда саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, ривожланган инфратузилмани барпо этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 8,7 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 10 фоизга ўсишига кўмаклашганлиги қайд этилди. 2015 йилги Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 4,8 миллиард доллардан ортиқ бўлган 53 та янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларнинг 430 тадан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Инвестиция фаоллиги ўсиши пудрат қурилиш ишлари ҳажмини 18,9 фоизга кўпайишига кўмаклашди.

Вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, йирик корхоналар, барча даражадаги ҳокимликлар олдига мамлакат Президенти томонидан жорий йил февраль-март ойларида тасдиқланган таркибий қайта ўзгартиришлар, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш, шунингдек, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга доир ўрта муддатга мўлжалланган дастурларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

2015-2019 йиллар мобайнида ушбу дастурларга киритилган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича умумий қиймати 40,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 846 лойиҳани, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси объектлари қуриш ва уларни ривожлантириш бўйича умумий қиймати 9,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 141 та лойиҳани, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича умумий суммаси 5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган 602 та лойиҳани амалга ошириш, маҳсулотларнинг 1,2 мингтадан ортиқ янги турларини ўзлаштирган ҳолда, иқтисодиётнинг янада ўсиши, таркибий қайта ўзлаштиришларни чуқурлаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, саноатнинг энг муҳим тармоқларини ривожлантиришни янги юқори даражага кўтариш, янада замонавий ва ривожланган инфратузилмани шакллантириш учун мустаҳкам асосни таъминлаши алоҳида қайд этилди.

Мажлисда ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш, уларнинг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини комплекс ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ҳолати пухта таҳлил қилинди. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларини амалга ошириш доирасида йил бошидан буён 434 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилганлиги қайд этилди. Қишлоқ жойларда 169 километр сув қувури тармоқлари, 54 километр газ тармоқлари ишга туширилди, 1,3 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Жорий йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича 12 мингта якка тартибдаги уй-жой қуришни ташкил этиш, шунингдек, уларни зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш ҳудудий дастурларига киритилган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш ишлари зарур даражада мувофиқлаштирилишини таъминламаган бир қанча вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг фаолияти танқид қилинди. Улар олдига камчиликларни бартараф этиш ва қолоқликнинг ўрнини тўлдириш, амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари бўйича объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда маҳсулот экспорти ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлилигини ошириш ва экспорт қилишни диверсификациялаш, шу асосда 2015 йилга мўлжалланган экспортнинг прогноз параметрларига эришишни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Жаҳон бозорларидаги конъюнктуранинг мавҳумлиги ва нобарқарорлиги кучайишига қарамай, экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш ва уларга маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришда ҳар томонлама кўмак бериш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш экспорт ҳажмининг 13,9 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини таъминлаш имконини берганлиги алоҳида қайд этилди. Йил бошидан бошлаб 146 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 102 та янги турдаги маҳсулотларни экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги раҳбарларининг эътибори экспорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтиришнинг мавжуд резервларини аниқлаш ва сафарбар қилиш, шу жумладан, олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш, шунингдек, экспорт географиясини диверсификациялаш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Мажлисда энг кўп даражада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка тўлиқ эркинлик бериш ва уларни рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ишларининг ҳолати ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар фақат жорий йилнинг биринчи чорагида 8 мингтадан ортиқ янги кичик бизнес субъекти ташкил этилишига кўмаклашганлиги, бу 2014 йилнинг шу давридагига қараганда 10,2 фоизга кўплиги қайд этилди. Кичик бизнес субъектларига 2,8 триллион сўм ёки 2014 йилнинг биринчи чорагидагига таққослаганда 1,3 баробар кўп банк кредитлари ажратилди. Йил бошидан буён хусусий мулкдорларга умумий қиймати 28,3 миллиард сўмлик 55 давлат активи сотилди, шу жумладан, 13 та объект инвесторларга 9,7 миллиард сўмлик инвестициялар киритиш мажбурияти асосида бепул берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари олдига бизнесни ташкил этиш учун ер участкалари бериш, қурилишга рухсатномалар олиш, тегишли кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улаш, тадбиркорлик субъектларини «бир дарча» тамойили бўйича рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини такомиллаштиришни жадаллаштириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Адлия вазирлигига бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишга йўл қўяётган мансабдор шахсларнинг масъулиятини жиноий жавобгарликка тортишгача кучайтириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш топширилди.

2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ барча рухсат бериш тартиб-қоидалари ва бошқа тартиботларни жорий йил охиригача электрон шаклга ўтказишни тугаллаш вазифалари юклатилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республиканинг йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

***ЎзА.***

# Мижозлар билан очиқ мулоқот

**«Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банкида Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида банк мижозлари билан очиқ мулоқот ўтказилди.**

Тадбирда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали халқимизнинг турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, электрон тўловларни янада такомиллаштириш, оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, ёш оилаларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш учун моддий ёрдам кўрсатиш борасида ажратиладиган кредитлар юзасидан банк томонидан амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритилди.

Қизғин савол-жавоблар тарзида ўтган учрашув чоғида оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга хизмат қиладиган истеъмол кредитлари турини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун ажратиладиган кредитлар кўламини янада ошириш юзасидан тегишли тавсиялар билдирилди.

Тадбирда «Трастбанк» ХАББ Бошқаруви раиси Ш.Хаджизадаев таъкидлаганидек, бундай очиқ мулоқотлар банк билан мижозни бир-бирига янада яқинлаштиради. Шу боис, бу каби учрашувларни анъанага айлантириш режалаштирилган.



***Бекзод АКРОМОВ.***

# Барқарор банкда ишлар бардавом

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки халқаро андозалар даражасида хизмат кўрсата оладиган профессионал молия муассасаси сифатида мамлакат инвестиция фаолияти, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, уларни замон талаблари доирасида модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш, маҳаллий экспортни тараққий эттириш йўналишларида фаол иштирок этиб, республикамиз банк тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда.**

Бу борада муассаса ўз капиталлашув даражасини ошириш, активлари сифатини яхшилаш, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва унинг ўзига хос ёндашувларини жорий қилишга жиддий эътибор қаратмоқда. Бундай изланиш ва амалий саъй-ҳаракатлар натижасида эса, банкнинг барча асосий кўрсаткичларида ўсиш суръатлари кузатилиб, мижозлар ишончи тобора ортмоқда.




Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида ТИФ Миллий банкининг жамланма капитали ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 фоизга ўсиб, 1 691,1 млрд. сўмни, кредит портфели 8 066 млрд. сўмни ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлардан жалб қилинган омонатлари ҳажми 7 962,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Юқорида таъкидланганидек, мазкур банк фаолиятида иқтисодиёт тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутади. Чунончи, 2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, муассаса умумий кредит қиймати 73,9 млрд. сўм бўлган 66 та лойиҳани молиялаштириб, ушбу давр учун белгиланган режа 149 фоизга бажарилди. Натижада 469 та янги иш ўрни яратилди.

Қайд этиш жоиз, хорижий молиявий институтлар билан ўзаро алоқаларни кенгайтириш ҳам ТИФ Миллий банки фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Айни пайтда банкнинг вакиллик тизими дунёнинг 80 та давлатидаги 679 та хорижий ва 24 та маҳаллий банкни ўз ичига олади. Бу борада муассаса фаолиятининг асосий йўналишлари ҳукуматимизнинг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги сиёсатини рўёбга чиқариш, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, товарлар ҳамда кўрсатиладиган хизматлар экспорти ва импорти таркибини яхшилашга кўмаклашиш, ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатиш, валюта маблағларини тўплаш ҳамда валюта манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

**ТИФ Миллий банкининг жамланма капитали ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 фоизга ўсиб, 1 691,1 млрд. сўмни, кредит портфели 8 066 млрд. сўмни ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлардан жалб қилинган омонатлари ҳажми 7 962,3 млрд. сўмни ташкил этди.**




Шунингдек, ТИФ Миллий банки хорижий ҳамкорлари билан юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам истиқболли битимлар тузмоқда. Хусусан, муассасанинг Корея экспорт-импорт банки билан кичик бизнес ва тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаш учун имзолаган умумий қиймати 60 млн. АҚШ долларилик кредит битимига мувофиқ, жорий йилнинг ўтган даврида умумий ҳажми 2,53 млн. АҚШ долларига тенг 5 та лойиҳа молиялаштирилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида банк кичик бизнес соҳасига миллий валютада 458,5 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратди, 67,9 млрд. сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатди. Ушбу маблағлар ҳисобига бир неча ўнлаб чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий мини-технологиялар харид қилинди, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, жумладан, туризмни ривожлантириш, шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни йўлга қўйиш, фермерлик фаолиятини рағбатлантириш, хотин-қизлар ва оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга эришилди.

***Юлдуз ЗОКИРОВА.***

**Жорий йилнинг биринчи чорагида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 44,4 млрд. сўмга ортиб, 132,4 млрд. сўмни ташкил этди.**

# Кичик корхоналарга катта сармоялар йўналтириб

Барча молия муассасалари қатори «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ фаолиятида ҳам иқтисодиёт тармоқлари билан бир қаторда кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутади. Ҳисобот даврида муассасанинг иқтисодиётга йўналтирилган кредитлар ҳажмини ошириш ва банкнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини янада кенгайтириш борасида амалга оширган ишлари натижасида жами ажратган кредитлари миқдори 272,3 млрд. сўмни, кредит қўйилмалари эса, 3 107,0 млрд. сўмни ташкил этди.




Бунда айнан кичик корхоналар томонидан тақдим этилган лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми сезирларли даражада ўсиши кузатилди. Хусусан, 2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўналтирган сармоялари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 44,4 млрд. сўмга ортиб, 132,4 млрд. сўмни ташкил этди ҳамда 35,4 млрд. сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

– *Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади, – дейди* ***Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритувчи «Nukus Mirob» МЧЖ раҳбари Мамуд Каримов.*** *– Айниқса, бизнинг ҳудудда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишга мутасадди ташкилотлар жиддий эътибор қаратмоқда. Чунончи, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг минтақамиздаги филиали ҳам корхонамиз фаолиятини ишга туширишда катта жонбозлик кўрсатди, 300 млн. сўмлик кредит ажратди. Мазкур банк сармоясига корхонамизни зарур техник ускуналар билан жиҳозладик, ёшларни ишга жалб қилиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.*

Дарҳақиқат, «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1047-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарилишини кучайтириш, ички истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника жиҳозларига асосланган ихчам корхоналарни барпо этишга 25,0 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Юртбошимизнинг 2009 йил 28 январда қабул қилинган «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1050-сонли Қарор талаблари доирасида эса, муассаса ўтган йилнинг шу даврга нисбатан 1,4 баробарга кўп, яъни, 30,2 млрд. сўмлик сармоя йўналтирди.

Шунингдек, банк ўтган даврда аёллар тадбиркорлигига 24,6 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 3,6 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиб, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ролини янада кучайтиришга ҳисса қўшди.

– *Асосий фаолиятимиз қурилиш моллари ишлаб чиқаришга қаратилган, – дейди* ***Бухоро вилоятида фаолият олиб бораётган якка тартибдаги тадбиркор Нодир Мусоев.*** *– 2014 йилда «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Когон филиалидан 80 млн. сўмлик кредит олиб, замонавий эшик ва дераза ромлари ясаш учун алюмин профиллари сотиб олдик. Барча минтақаларда бўлгани каби вилоятимизда ҳам қурилиш, бунёдкорлик ишлари тобора кенгаймоқда. Шу боис, ишчи кучини янада кўпайтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини босқичма-босқич оширишни мақсад қилдик. Бу борада эса, яна мазкур банк билан ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.*

***Назира МАВЛОНОВА.***

# Банк кредити асосида

**Мирзачўл туман марказида икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси фойдаланишга топширилди.**

Тадбиркор Файзулла Асамовнинг таъкидлашича, бу ишлар рўёби учун «Агробанк» туман бўлимининг 500 млн. сўм кредит маблағи йўналтирилди. Замонавий дизайн асосида барпо этилган мазкур муҳташам бинонинг биринчи қаватидан супермаркет, сартарошхона, гўзаллик салони жой олган бўлса, иккинчи қаватида 25 ўринли тикув цехи жойлашган. Сўнгги русумдаги тикув машиналари билан жиҳозланган ушбу цехда ҳар хил турдаги махсус кийим-кечаклар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ҳозирданоқ цех жамоаси буюртмачилар билан 100 млн. сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича олдиндан шартномалар имзолади.

Айтиш жоизки, ушбу эзгу ишлар натижасида маҳаллий ёшларнинг 30 нафари доимий иш ўрнига эга бўлишди.

***«Туркистон-пресс» НАА.***

## BANK TIZIMI

# Банклар — барқарор иқтисодий ўсиш драйвери

***(Давоми. Бошланиши 1-бетда).***

Банк активлари 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 28,1 фоиз ўсиб, бугунги кунда 56,6 трлн. сўмдан ошди (**2-диаграмма**).



*2-диаграмма.*
**Банк активлари** (трлн. сўмда)

Халқаро стандартлар асосида самарали банк назоратининг амалга оширилиши, банк ликвидлиги ва активлари сифати устидан доимий мониторинг олиб борилиши мамлакатимизнинг барча банкларига (26 та) «Fitch Ratings», «Moody's» ва «Standard & Poor's» етакчи халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳоларини олиш ва қайта тасдиқлашига шароит яратди.

Ўзбекистон банк тизимига эса «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги томонидан кетма-кет бешинчи йил «барқарор» рейтинг баҳоси берилди.

Банк тизими фаолиятининг асосий индикаторлари, чунончи, «банкларнинг умумий капитали етарлилиги», «тижорат банкларининг ликвидлиги», «депозитлар ҳажмининг динамикаси», «кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши» 2015 йилнинг I чораги якунлари бўйича юқори баҳоларга мос бўлди.

Банклар томонидан жорий йилнинг устувор вазифалари этиб белгиланган саноатда юқори технологияли ва замонавий бўлган энг муҳим объектлар ҳамда қувватларни ишга тушириш, мамлакатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, 2015 йилнинг I чорагида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 30,6 фоиз ортиб, 2015 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 35 трлн. сўмни ташкил этди (**3-диаграмма**).



*3-диаграмма.*
**Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори** (трлн. сўмда)

Банкларнинг инвестиция мақсадларига ажратилган инвестицион кредитлари миқдори ҳам 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 баробар ошиб, жорий йил 1 апрель ҳолатига кўра, 2,3 трлн. сўмга етди (**4-диаграмма**).

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида қабул қилинган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида соҳа субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўпайиб, 2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 2,8 трлн. сўмдан ортди (**5-диаграмма**).

Жумладан, микрокредитлар ҳажми 590,9 млрд. сўмдан ошиб, бу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар ўсиши таъминланди.

Тижорат банклари томонидан аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлар миқдори 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар ошиб, бугунги кунда 314,3 млрд. сўмдан ортди.

Шунингдек, банклар томонидан ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг



*4-диаграмма.*
**Тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар** (трлн. сўмда)



*5-диаграмма.*
**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар** (трлн. сўмда)

бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам жиддий эътибор бериб келинмоқда. 2015 йилнинг I чорагида мазкур йўналишга 48,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, мазкур кўрсаткич 2014 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1,8 баробар ўсди (**6-диаграмма**).

Мамлакатимиз банкларининг барқарор ҳолати, банк тизимига бўлган ишончнинг йилдан-йилга ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб бораётганлиги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишнинг муҳим асоси бўлиб қолмоқда.

Тижорат банкларининг ресурс базасини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар туфайли банкларнинг жами депозитлари миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,3 фоиз ўсиб, 2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 28,6 трлн. сўмдан ортди (**7-диаграмма**).

Ҳисобот даврида молиявий хизматлар таркибида бевосита банк хизматларининг улуши 88 фоизга етиб, бу кўрсаткич ҳам 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар ошди. Бу эса, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига замонавий банк хизматлари кўрсатиш сифати ва кўламини кенгайтириш борасида кўрилаётган мақсадли чора-тадбирларнинг самарасидир.



*6-диаграмма.*
**Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ажратилган кредитлар** (млрд. сўмда)

Республикамизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунга келиб муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 13,9 млн. донадан, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони эса 162 минг донадан ортди.

Шу билан бирга, мажлисда банклар томонидан мижозларга замонавий банк хизматлари кўрсатиш ва аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада ошириш борасидаги мавжуд ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаётган айрим тижорат банклари фаолияти қаттиқ танқид қилинди.

Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярмида банк тизимида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, тижорат банклари раҳбарлари зиммаларига Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда ўтказилган мажлисида 2015 йил учун белгилаб берилган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари – банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш, тижорат банклари фаолиятини халқаро стандартлар ва принципларга мувофиқ баҳолаш, тартибга солиш ҳамда назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро молия институтлари билан ўрнатилган ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, банк хизматлари турини янада кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал татбиқ этиш борасида муҳим вазифалар белгилаб олинди.



*7-диаграмма.*
**Жами депозитлар қолдиғи** (трлн. сўмда)

Шунингдек, мажлисда барча банклар раҳбарлари зиммаларига «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган ҳар бир вазифанинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш вазифаси ҳам юклатилди.

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати.***

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 28 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1962,69 | 1 Канада доллари | 2066,05 | 1 Норвегия кронаси | 322,28 | 1 евро | 2710,18 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3813,57 | 1 Хитой юани | 405,44 | 1 Польша злотийси | 675,28 | 10 Жанубий Корея вони | 23,41 |
| 1 Дания кронаси | 365,54 | 1 Қувайт динори | 8321,68 | 1 Сингапур доллари | 1886,72 | 10 Япония иенаси | 211,12 |
| 1 БАА дирҳами | 684,11 | 1 Россия рубли | 50,01 | 1 СДР | 3483,85 | | |
| 1 АҚШ доллари | 2512,73 | 1 Украина гривнаси | 111,92 | 1 Туркия лираси | 923,80 | | |
| 1 Миср фунти | 329,32 | 100 Ливан фунти | 167,68 | 1 Швеция кронаси | 290,56 | | |
| 1 Исландия кронаси | 18,57 | 1 Малайзия ринггити | 705,62 | 1 Швейцария франки | 2631,41 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи: **1 USD** ▲ 2512,73 – (2507,40) | **1 EUR** ▲ 2710,18 – (2669,49) | **1 GBP** ▲ 3813,57 – (3749,06) | **10 JPY** ▲ 211,12 – (211,04)

# «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки

*Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2008 йил 27 декабрдаги 74-сонли лицензияси.*
*Юридик манзил: 100000, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 17.*

## МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
### 2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

*(минг сўмда)*

| Моддалар | 2014 йил 31 декабрь | 2013 йил 31 декабрь |
|---|---|---|
| **АКТИВЛАР** | | |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 305 589 320 | 581 845 704 |
| Бошқа банклардаги маблағлар | 311 714 084 | 326 105 143 |
| Мижозларга кредитлар ва бўнаклар | 2 493 570 230 | 1 894 961 176 |
| Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қимматли қоғозлар | 5 246 861 | 5 535 592 |
| Асосий воситалар ва номоддий активлар | 77 139 150 | 73 619 928 |
| Фойда солиғининг олдиндан тўланиши | 2 465 259 | 2 895 762 |
| Кечиктирилган солиқ активи | 8 468 739 | 6 337 617 |
| Бошқа молиявий активлар | 331 007 | 298 415 |
| Бошқа номолиявий активлар | 29 300 149 | 31 881 727 |
| Сотиш учун мавжуд бўлган узоқ муддатли активлар | 28 523 843 | 8 434 650 |
| **ЖАМИ АКТИВЛАР** | **3 262 348 642** | **2 931 915 714** |
| **МАЖБУРИЯТЛАР** | | |
| Бошқа банкларнинг маблағлари | 153 374 800 | 97 800 547 |
| Мижозлар маблағлари | 1 900 093 733 | 1 866 229 358 |
| Муомалага чиқарилган қарз қимматли қоғозлар | 22 380 610 | 22 306 308 |
| Давлат, ҳукумат ва халқаро молиявий муассасалардан ўзлаштириш | 927 805 255 | 732 625 806 |
| Бошқа молиявий мажбуриятлар | 2 697 576 | 2 604 664 |
| Бошқа номолиявий мажбуриятлар | 4 515 857 | 9 515 601 |
| Сотиш учун мўлжалланган сифатида тасниф этилган активларга бевосита тегишли мажбуриятлар | 1 702 338 | 496 566 |
| **ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР** | **3 012 570 169** | **2 731 578 850** |
| **ХУСУСИЙ КАПИТАЛ** | | |
| Устав капитали | 182 302 396 | 140 419 163 |
| Эмиссион даромад | 754 417 | 754 417 |
| Тақсимланмаган фойда | 66 721 660 | 59 163 284 |
| **ЖАМИ ХУСУСИЙ КАПИТАЛ** | **249 778 473** | **200 336 864** |
| **ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ** | **3 262 348 642** | **2 931 915 714** |

## УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
### 2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

*(минг сўмда)*

| Моддалар | 2014 йил 31 декабрь | 2013 йил 31 декабрь |
|---|---|---|
| **ДАВОМ ЭТТИРИЛАЁТГАН ФАОЛИЯТ** | | |
| Фоиз даромадлари | 232 685 986 | 172 262 877 |
| Фоиз харажатлари | (102 989 144) | (73 387 808) |
| **Соф фоиз даромадлари** | **129 696 842** | **98 875 069** |
| Мижозларнинг кредит ва бўнаклари қадрсизланиши бўйича захирани шакллантириш | (27 348) | (5 086 581) |
| **Кредит портфелининг қадрсизланиши бўйича захира тикланиши (шакллантирилиши)дан кейинги соф фоиз даромади** | **129 669 494** | **93 788 488** |
| Воситачилик даромадлари | 143 042 578 | 125 258 803 |
| Воситачилик харажатлари | (22 871 823) | (18 729 075) |
| Хорижий валютали операциялар харажатлари чегириб ташланганидан кейинги даромадлар | 3 493 962 | 4 179 148 |
| Хорижий валютани қайта баҳолаш харажати чегириб ташлангандан кейинги даромадлар | 15 892 060 | 9 863 255 |
| Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қимматли қоғозларнинг қадрсизланишидан кўрилган зарар | (493 127) | - |
| Дивидендлар тарзидаги даромадлар | 73 119 | 1 182 741 |
| Бошқа операцион даромадлар | 4 815 241 | 3 449 904 |
| Қадрсизланиш бўйича бошқа захиралар | (3 704 830) | (1 606 159) |
| Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар | (205 721 604) | (171 825 927) |
| **Солиқ тўлангунга қадар фойда** | **64 195 070** | **45 561 178** |
| Фойда солиғига сарфланган харажатлар | (11 433 777) | (5 164 312) |
| **Давом эттирилаётган фаолиятдан олинган йиллик фойда** | **52 761 293** | **40 396 866** |
| **ТЎХТАТИЛГАН ФАОЛИЯТ** | | |
| Тўхтатилган фаолиятдан кўрилган йиллик соф зарар | (1 812 098) | (1 045 481) |
| **ЙИЛЛИК ФОЙДА** | **50 949 195** | **39 351 385** |
| **Бошқа умумий даромад/(зарар):** | | |
| *Кейинчалик фойда/(зарар) сифатида таснифланадиган моддалар* | | |
| Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қимматли қоғозлар: | | |
| – қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар | - | (19 474) |
| – қадрсизланишнинг қайта тақсимланиши | 204 396 | - |
| – бошқа умумий даромадга тегишли фойдадан олинган солиқ | (31 982) | 4 245 |
| **Бошқа умумий йиллик даромад/(зарар)** | **172 414** | **(15 229)** |
| **ЖАМИ УМУМИЙ ЙИЛЛИК ДАРОМАД** | **51 121 609** | **39 336 156** |
| **Оддий акциядан олинган базавий ва тақсимланган фойда (ўзбек сўмида)** | **817** | **631** |
| **Сармояга тегишли имтиёзли акциядан олинган базавий ва кўрсатилмаган фойда (ўзбек сўмида)** | **804** | **622** |

## ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
### 2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

*(минг сўмда)*

| Моддалар | 2014 йил 31 декабрь | 2013 йил 31 декабрь |
|---|---|---|
| **Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати** | | |
| Олинган фоизлар | 228 504 600 | 173 632 934 |
| Тўланган фоизлар | (100 565 793) | (71 650 733) |
| Олинган воситачилик ҳақлари | 143 145 955 | 125 094 218 |
| Тўланган воситачилик ҳақлари | (22 871 823) | (18 863 663) |
| Хорижий валюта бўйича операциялардан олинган даромадлар | 3 493 962 | 4 179 148 |
| Бошқа олинган операцион даромадлар | 4 535 958 | 3 797 908 |
| Ходимларнинг таъминоти учун тўланган харажатлар | (137 032 119) | (111 953 403) |
| Маъмурий ва бошқа тўланган операцион харажатлар | (62 428 354) | (45 782 977) |
| Тўланган фойда солиғи | (12 980 261) | (7 078 703) |
| **Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати, операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдин** | **43 802 125** | **51 374 729** |
| Бошқа банклардаги маблағлар бўйича соф камайиш | 25 675 884 | 48 266 746 |
| Мижозларга кредитлар ва бўнаклар бўйича соф ўсиш | (545 002 119) | (528 768 106) |
| Бошқа активлар бўйича соф (ўсиш)/камайиш | (7 967 589) | 972 353 |
| Бошқа банкларнинг маблағлари бўйича соф ўсиш | 55 574 253 | 30 653 837 |
| Мижозларнинг маблағлари бўйича соф ўсиш | 30 496 610 | 235 760 366 |
| Бошқа молиявий мажбуриятлар бўйича соф (камайиш)/ўсиш | (7 098) | 515 106 |
| Бошқа мажбуриятлар бўйича соф ўсиш | 1 933 147 | 832 575 |
| **Операцион фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари** | **(395 494 787)** | **(160 392 394)** |
| **Инвестицион фаолиятдан тушган пул маблағлари** | | |
| Асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш | (29 562 444) | (16 022 101) |
| Асосий воситалар ва номоддий активларнинг реализациясидан тушган тушум | 737 427 | 349 722 |
| Қайта сотувга қўйилган мол-мулк учун тўлов | (1 645 886) | (1 830 667) |
| Олинган дивидендлар | 73 119 | 168 187 |
| **Инвестицион фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари** | **(30 397 784)** | **(17 334 859)** |
| **Молиявий фаолиятдан олинган пул маблағлари** | | |
| Давлат, ҳукумат ва халқаро молиявий муассасалардан ўзлаштирилган тушумлар | 367 119 208 | 221 011 625 |
| Давлат, ҳукумат ва халқаро молиявий муассасалардан ўзлаштирилган маблағлар бўйича тўловлар | (239 809 794) | (90 409 404) |
| Қарз қимматли қоғозларнинг муомалага чиқарилишидан тушган тушумлар | 4 850 000 | 13 800 000 |
| Қарз қимматли қоғозлар бўйича тўловлар | (4 650 199) | - |
| Тўланган дивидендлар | 3 549 | (5 279 289) |
| **Молиявий фаолиятдан олинган соф пул маблағлари** | **127 512 764** | **139 122 932** |
| **Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига айирбошлаш курсидаги ўзгаришларнинг таъсири** | **22 123 423** | **66 291 079** |
| **Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф ўсиши/(камайиши)** | **(276 256 384)** | **27 686 758** |
| Йил бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 581 845 704 | 554 158 946 |
| **Йил охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари** | **305 589 320** | **581 845 704** |
| **Пулсиз операциялар:** | | |
| Тақсимланмаган фойданинг капитализацияси | 43 227 233 | 28 946 808 |

## КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ЙИҒМА ҲИСОБОТ
### 2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

*(минг сўмда)*

| Моддалар | Устав капитали | Эмиссион даромад | Сотиш учун мавжуд бўлган қимматли қоғозларни қайта баҳолаш захираси* | Тақсимланмаган фойда | Жами хусусий маблағлар |
|---|---|---|---|---|---|
| **2012 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ** | **112 372 355** | **754 417** | **(157 185)** | **54 453 851** | **167 423 438** |
| Йиллик фойда | - | - | - | 39 351 385 | 39 351 385 |
| Бошқа умумий зарар | - | - | (15 229) | - | (15 229) |
| Жами умумий даромад, 2013 йилда акс эттирилган | - | - | (15 229) | 39 351 385 | 39 336 156 |
| Тақсимланмаган фойданинг капитализацияси | 28 946 808 | - | - | (28 946 808) | - |
| Имтиёзли акцияларнинг мажбуриятлари таркибини тан олиш | (900 000) | - | - | (225 000) | (1 125 000) |
| Эълон қилинган дивидендлар – оддий акциялар | - | - | - | (5 297 730) | (5 297 730) |
| **2013 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ** | **140 419 163** | **754 417** | **(172 414)** | **59 335 698** | **200 336 864** |
| Йиллик фойда | - | - | - | 50 949 195 | 50 949 195 |
| Бошқа умумий зарар | - | - | 172 414 | - | 172 414 |
| Жами умумий даромад, 2014 йилда акс эттирилган | - | - | 172 414 | 50 949 195 | 51 121 609 |
| Тақсимланмаган фойданинг капитализацияси | 43 227 233 | - | - | (43 227 233) | - |
| Имтиёзли акцияларнинг мажбуриятлари таркибини тан олиш | (1 344 000) | - | - | (336 000) | (1 680 000) |
| **2014 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ** | **182 302 396** | **754 417** | **-** | **66 721 660** | **249 778 473** |

* Сотиш учун мавжуд бўлган қимматли қоғозларни қайта баҳолаш захираси молиявий ҳолат тўғрисидаги йиғма ҳисоботда акс эттирилган тақсимланмаган фойда таркибида ҳисобланади.

*Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Deloitte va Touche» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 8 февралдаги АФ 00500-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.*

*Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2014 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.*

Хизматлар лицензияланган.

AUDIT NATIJALARI

# «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки

*Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 4 августдаги 48-сонли лицензияси.*
*Юридик манзили: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳкўчаси, 4.*

## МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
### 2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

*(минг сўмда)*

| № | Моддалар | 2014 йил | 2013 йил |
|---|---|---|---|
| | **Активлар** | | |
| 010 | Нақд пуллар | 26 833 232 | 21 180 675 |
| 020 | Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан олиниши лозим бўлган маблағлар | 93 183 688 | 74 399 201 |
| 030 | Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар | 96 936 040 | 31 297 183 |
| 060 | Сотишга мўлжалланган мавжуд инвестициялар | 3 749 348 | 3 924 539 |
| 061 | – сўндирилгунча сақлаб туриладиган инвестициялар | 5 124 657 | 5 151 233 |
| | – қарамоғдаги корхоналар учун | 7 304 094 | 6 086 863 |
| 080 | Мижозларга берилган кредитлар ва бўнаклар: | 716 220 336 | 496 461 675 |
| 081 | Эҳтимолий йўқотишлар бўйича захиралар | (8 589 492) | (11 134 269) |
| 082 | Соф кредитлар ва бўнаклар | 707 630 844 | 485 327 406 |
| 120 | Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича) | 54 155 276 | 54 922 832 |
| 130 | Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича) | 1 905 422 | 233 666 |
| 140 | Бошқа хусусий мол-мулк | - | 1 009 034 |
| 150 | Солиқ талаблари | 2 919 256 | 2 928 176 |
| 160 | Бошқа активлар | 6 091 914 | 4 258 824 |
| **170** | **ЖАМИ: АКТИВЛАР** | **1 005 833 771** | **690 719 632** |
| | **Мажбуриятлар** | | |
| | Депозитлар | | |
| 181 | Талаб қилиб олингунгача | 380 323 514 | 279 602 042 |
| 182 | Жамғарма | 18 106 144 | 27 967 664 |
| 183 | Муддатли | 180 953 973 | 150 532 158 |
| **190** | **Жами: депозитлар** | **579 383 631** | **458 101 864** |
| 200 | Марказий банкка тўланиши лозим бўлган маблағлар | 131 833 | 140 171 |
| 220 | Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар | 257 414 439 | 80 218 157 |
| 230 | РЕПО ва бошқа қарз маблағлари | 10 863 148 | 13 838 268 |
| 260 | Бошқа мажбуриятлар | 4 990 096 | 5 418 985 |
| 270 | Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар | 12 302 466 | 12 360 165 |
| | Фойдадан олинадиган солиқ бўйича жорий мажбуриятлар | 621 213 | 830 327 |
| **280** | **Жами: мажбуриятлар** | **865 706 826** | **570 907 937** |
| | Хусусий капитал | | |
| 300 | Оддий акциялар | 102 316 244 | 92 036 105 |
| 310 | Имтиёзли акциялар | 2 124 414 | 1 935 499 |
| 330 | Жами: устав капитали | 104 440 658 | 93 971 604 |
| 350 | Тақсимланмаган фойда | 35 686 287 | 25 840 091 |
| **360** | **Жами: хусусий капитал** | **140 126 945** | **119 811 695** |
| **370** | **ЖАМИ: мажбуриятлар ва хусусий капитал** | **1 005 833 771** | **690 719 632** |

## УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
### 2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

*(минг сўмда)*

| № | Моддалар | 2014 йил | 2013 йил |
|---|---|---|---|
| | **Фоизли даромад** | | |
| 011 | Кредитлар бўйича фоизли даромад | 85 208 238 | 63 880 185 |
| 012 | ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромад | 895 434 | 734 528 |
| 016 | Сўндирилгунча сақлаб туриладиган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар | 498 630 | 431 342 |
| 019 | Бошқа фоизли даромадлар | 35 441 | 38 060 |
| **020** | **Жами: фоизли даромадлар** | **86 637 743** | **65 084 115** |
| | Фоизли харажатлар | | |
| 031 | Талаб қилиб олингунча бўлган депозитлар бўйича фоизли харажатлар | (419 867) | (667 050) |
| 032 | Жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар | (3 990 593) | (11 714 836) |
| 033 | Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар | (22 761 149) | (14 487 364) |
| 037 | Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган ҳисобварақлар бўйича фоизли харажатлар | (14 710 965) | (7 983 115) |
| 038 | Бошқа қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар | (264 633) | (307 031) |
| 039 | Чиқарилган қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли харажатлар | (1 202 794) | (1 209 436) |
| **60** | **Жами: фоизли харажатлар** | **(43 350 001)** | **(36 368 832)** |
| **70** | **Соф фоизли даромад** | **43 287 742** | **28 715 283** |
| 070 | Кредитлар бўйича эҳтимолий зарарлар захирасини баҳолаш | (1 853 026) | (1 100 480) |
| 80 | Захирани баҳолаш чегириб ташлангандан кейинги соф фоизли даромад | 41 434 716 | 27 614 803 |
| | **Фоизсиз даромад** | | |
| 091 | Хизматлар ва воситачиликдан олинган даромадлар | 40 761 079 | 28 505 274 |
| 092 | (Хизматлар ва воситачилик учун тўланган харажатлар) | (5 302 141) | (4 135 985) |
| 093 | Савдо операцияларидан тушган фойда (зарар) | 249 653 | 338 991 |
| 094 | Валюта операцияларидан тушган фойда (зарар) | 3 319 138 | 1 855 506 |
| 095 | Дивидендлар тарзидаги даромад | 41 244 | 67 137 |
| 096 | Инвестициялардан тушган фойда (зарар) | 1 258 990 | 934 955 |
| 099 | Бошқа операцион даромадлар | 1 581 581 | 8 660 993 |
| **100** | **Жами: фоизсиз даромад** | **41 909 544** | **36 226 871** |
| | **Операцион харажатлар** | | |
| 111 | Ходимларнинг таъминоти учун сарфланган харажатлар | (28 243 168) | (18 912 242) |
| 112 | Ижара ва таъминот харажатлари | (1 584 788) | (1 306 803) |
| 113 | Транспорт ва хизмат сафарлари харажатлари | (501 699) | (550 769) |
| 114 | Маъмурий харажатлар | (14 178 875) | (12 530 586) |
| 115 | Асосий воситаларнинг эскириши | (4 642 367) | (3 959 671) |
